



Давлат статистика қўмитасининг юридик хизмати тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Давлат статистика қўмитасининг юридик хизматиغا (кейинги ўринларда – юридик хизмат деб аталади) қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Юридик хизмат – Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этилган мустақил (таркибий тузилма) лавозим ҳисобланади.

Юридик хизмат бевосита Давлат статистика қўмитасининг раисига бўйсунди.

3. Юридик хизмат учта штатдан иборат бўлиб, бўлим бошлиғи, бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт лавозими киритилган бўлиб, бўлим бошлиғи юридик хизматнинг раҳбари ҳисобланади.

4. Юридик хизмат бўлим бошлиғи, бош юрисконсулти, етакчи юрисконсулт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Шунингдек Давлат статистика қўмитасининг қарорларига, буйруқларига, бошқа ҳужжатларига ва топшириқларига амал қилади.

5. Юридик хизмат бўлим бошлиғи, бош юрисконсулти, етакчи юрисконсулти лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин.

6. Юридик хизмат бўлим бошлиғи, бош юрисконсулти, етакчи юрисконсулти лавозимга Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланади ва озод қилинади.

Юридик хизмат ходими биринчи марта тайинлаган шахслар белгиланган тартибда Адлия органларида стажировкадан ўтадилар.

7. Юридик хизмат бошлиғи лавозимига олий юридик маълумотга ва юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

8. Давлат статистика қўмитасининг Юридик хизмати бўлим бошлиғига, бош юрисконсултига, етакчи юрисконсултига мартаба даражалари қонунчиликда белгиланган тартибда берилади ҳамда кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамалар қонунчиликда белгиланган тартибда тўланади.

9. Давлат статистика қўмитасининг Юридик хизмат бўлим бошлиғи, бош юрисконсулти, етакчи юрисконсулти сифатидаги меҳнат стажи бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларига ўтганда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамаларни тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобига олинади.

10. Давлат статистика қўмитасининг Юридик хизмат бўлим бошлиғи, бош юрисконсулти, етакчи юрисконсулти қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар уч йилда камида бир марта малакасини оширади ҳамда ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтади.

11. Давлат статистика қўмитасининг Ҳайъат йиғилишида ҳар йили Қўмита тизими фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликка риоя этилиши аҳволи тўғрисидаги Юридик хизматнинг ҳисоботи эшитилади.